



# Ishonch

Моҳият

Хар кун, хар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, зарра-ма-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қахрамонлик аслида мана шу.

Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси нашри

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айрим кўшни давлатларда хавфли юқумли касаллик — полиомиелит қайд этилган. Ушбу хасталик юртимизга кириб келишининг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш мақсадида мамлакатимизда миллий эмлаш кунлари бошланди.



Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада миллий эмлаш кампаниясига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Миллий эмлаш кунлари мамлакатимизда беш ёшгача бўлган 2 миллион 890 минг нафарга яқин бола эмланади. Бу ишлар икки босқичда — шу йилнинг 17 майдан 23 майга қадар ва 7 июндан 13 июнгача амалга оширилади.

Суратларда: миллий эмлаш кампаниясига бағишланган тадбирдан лавҳалар.

Асқар ҒЎҚУБОВ (Ўза) олган суратлар.

## Янги кун янгиликлари

Жорий йилда Ургут туманида 147 та янги уй қуриш режалаштирилган. Айни дамларда тумanning Кингир, Хўжабаланд қишлоқларида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

### Қишлоқ аҳлига

Янги уйлар қурилишига 3 млрд. 16 млн. сўм пул ажратилган. Қурилишни теңдерда ютиб чиққан ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширмоқда.

Нурулла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

### Ёшлар фестивали

Бўзор туманида 27 миллатга мансуб 170 мингга яқин аҳоли яшайди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида марказий истироҳат боғида улар иштирокида дўстлик фестивали ўтказилди.

— Ўзбеклар диёри — менинг иккинчи ватаним, — дейди озарбайжон Азлархон Азизов ёшлар ҳузурида сўзга чиқиб. — Умр йўлдошим Дилфузахон ўзбек аёли. Фарзандларим овоз ва обод юртга муносиб ўғил-қизлар бўлиб вояга етганлиги билан фахрланаман. — Ортдошларим қарийб 70 йилдан бери Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилмоқда, — дейди корейс миллий маданий маркази вилоят бўлими раҳбари Терентий Ли. — Биз Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуним.

Ўқувчиларнинг турли тиллардаги кўшиқлари фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Иззат ҲИҚМАТОВ

### Чорва — 2010

2008 йилдан бошлаб аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш мақсадида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига қорамол боқишни кўпайтириш учун шароит яратиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган эди.

## Одинанинг ойдин йўллари

Унга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда қорамол сонини кўпайтириш асосида наслчилик хўжаликларини мустаҳкамлаш ва наслдор қорамол поддаларини кўпайтириш, селекция ишларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда чорвадорларимиз Голландия, Хитой, Беларус, Украина ҳамда Қозғоғистондан қораола зотли қорамолларни олиб келиб, жайдари қорамолларни зотли қорамоллар билан алмаштириш ишларини бошлаб юбордилар.

«Ўзнасчилик» корхонасида насли буюқлар уруғини қадоқлаш линиялари ўрнатилди. Ўзбекистон шароитида урчилайтган зотли қорамоллар асосан Латвия кўнғири, швец,

қизилчўл, қораола, абердин-ангусс зотиға мансуб.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги «Гулистон нури истикболи» фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова берилатган имтиёзлардан фойдаланиб, 2007 йили Хитойдан 10 та қорамол келтирган эди. Бугунги кунда улар 100 фоиз болалади. Бузоқларнинг барчаси соғлом ўсмоқда. Фермер 2009 йили Германиядан 68 та герман-гомиш-тино-фриц зотли қораола ҳамда Полшадан зотли қорамол қорамол олиб келди ва унинг жами чорваси 329 бошға етди. Зотли моллар учун «Алоқабанк»нинг Андижон шаҳар бўлимидан 5 йил муддатта 383 миллион сўм кредит олган эди. Қарздан қутулиб, ўтган йилни 27 миллион

сўм фойда билан яқунлади.

Айни пайтда сигирлардан кунига 1200 литрдан сут соғиб олиб «Раш-милк» МЧЖ, «Элёр-милк» МЧЖга шартнома орқали сотмоқда. Қорамолларнинг соғлигини кузатиб боришда туман ветеринария маркази бош врачлари Илҳомжон Алижонов ва унинг ёрдамчилари Хурсандбек Хасанов, Нормурод Йўлчиевларнинг хизмати катта бўлаётир.

Одинахон бу йил хўжалигида сутни қайта ишлаш технологиясини ўрнатиш, шунингдек, зотли қорамоллар сонини янада ошириб, қишлоқ ёшлари учун иш ўринлари яратишни мақсад қилиб қўйган.

**Баҳорат ИМОНОВА,** республика фермерлар уюшмаси матбуот маркази раҳбари

### Етакчи минбари

## Фаолиятимиз сарҳисоб қилинди

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоячиси бўлмиш қасаба уюшмаларининг ҳам ўзига яраша муносиб ҳиссаси бор.

Буни биз, айниқса, ҳисобот-сайлов конференцияларида чуқурроқ ҳис этдик. Унда қасаба уюшмалари фаолияти сарҳисоб қилиниб, барча йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар атрофида таҳлилдан ўтди. Келгуси вазифа ва режалар белгилаб олинди.

Вакилликимиз тасарруфидаги 15 та бошланғич қасаба ташкилотларда ҳисобот-сайловлар муваффақиятли ўтди. Сақизтасида қўмита раислари қайтадан сайланди. Улардан бири «Андижоннефт» ОАЖ қасаба уюшма қўмитаси раиси К.Қодировдир. У ҳисобот даврида ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар, диний экстремизм, гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари бўйича маънавият-маърифат маркази билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этди. Ёшлар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларининг доимий равишда ўтказилиши, ходимларга етарли иш ва дам олиш шароитларини яратиш, ёзги соғломлаштириш ва саёхатлар ташкил этиш борасида фаоллик кўрсатди. Шунинг учун ҳам қасаба уюшма аъзолари унинг номзодини маъқулладилар.

Иш жараёнида сусткашликка йўл қўйган етакчилар ўрнига ёш, биллими ташаббускор кадрлар сайланди.

Ҳисобот-сайловларда қасаба уюшма аъзолари томонидан вазирлик ва идораларга билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ Марказий кенгашига тақдим этилди.

**Саҳобиддин УМРЗАҚОВ,** Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили

### Қутлов!

Хабарингиз бор, шу йилнинг 14 май кунини «Туркистон» саройида «Олтин қалам: V миллий мукофоти голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Мукофот нуборак бўлин!

Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, фаол фуқаролик позициясини намоён этиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашушни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Танловнинг бош миллий мукофоти «Ёшлар» телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти (директор — Хайрулла Нуриддинов)га (ёшлар мавзуси ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаш масалаларига доир туркум кўрсатувлари учун) nasib этди.

Мамнуният билан айтиб ўтиш керакки, совриндорлар орасида «Ishonch» газетасининг уч нафар энг фаол муаллифи ҳам бор. «Утов гурунглари», «Кўпқари гурунглари» каби эсселари билан ўқувчиларимизга яхши таниш бўлган Абдунаби Абдиев «Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун», истезодли фотомужбир Хасан Пайдов «Энг яхши фоторепортаж учун», танқиди карикатурачи Хусан Содиков эса «Энг яхши карикатура учун» номинациясида голиб деб топилди.

Барча совриндорлар қаторида тахририятимизнинг фаол ҳамкорларини муштарийларимиз номидан муборакбод этамиз!

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,** «Ishonch» мухбири

## Орзулари осмон аёл

Навоий вилоят қасаба уюшмалари фаоллари йиғилишида Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғоева ҳам маъруза қилди. Унинг сўзларини эшитиб, беихтиёр кўнгида юзма-юз мулоқот қилиш нияти туғилди. Шу ният билан Хатирин туманидаги уй-жой коммунал хўжалик қасб-хўнара коллежи томон йўл олдим. Туман марказидан 8-10 километр олинсада жойлашган кўп қаватли мухтажам коллеж биноси яққол кўзга ташланиб турибди. Замонавий қурилган бино барибир бошқача-да, 6 та махсус устакхона, лабораториялар, компютер ва лингафон хоналари, 36000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 240 ўринли ошхона, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган фаоллар зали, кичик зал, спорт зали ва ховлида очик спорт майдонлари... Буларнинг бари ёш йиғит-қизларнинг қасб маҳорати, интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлида хизмат кўрсатаётир.

— Олий ўқув юртини тугатгач, қарийб чорак аср иқтисодчи ва ўқитувчи бўлиб ишладим. Айни пайтда 123 нафар педагог-муҳандис, ўқитувчи ва хизматчиларни таркибиде бирлаштирган коллежга етакчилик қиламан, — деди Назира Тоғоева. — Сенатнинг биринчи мажлисида қатнашаётганимда ҳаяжонимнинг чеки йўқ эди. Олий Мажлиснинг юқори палатасига аъзо бўлиш, сенатор деган юксак ном ниҳоятда масъулият, фидокорлик талаб қилувчи вазифа эканини ўшанда теранроқ ҳис эта бошладим.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисидаги маърузасида сенатнинг вакиллик органи экани, кўпчилик қисми халқ депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланиши ва уларга ҳисоб беришини алоҳида қайд этган эди. Бу зиммамиздаги вазифанинг нечоғли муҳимлигини кўрсатади. Чунончи, юртбошимиз таъ-



қидлаганларидек, фаолиятимиз давомида қонунларни умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўзимиз вакил бўлган ҳудуд манфаатлари нуктаи назаридан қўриб чиқиш уларнинг халқчилигини таъминлаш имконини беради. Ушбу қонуний асоси эса ваколат эмас, масъулият сифати-

## Беморларга қулайлик

Тендер асосида умумий қиймати 1.672.200.000 сўмлик ушбу қурилишни А.Албоев бошчилигидаги бригада белгиланган муддатда тугатиш учун кеча-кўнунд меҳнат қилмоқда.

Ўрол БЕКМУРОДОВ, Сурхондарё вилояти

Президентимизнинг «Йирик санает корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кучайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига асосан Марғилонда уй меҳнатига жалб қилинган 833 киши санает корхоналари билан шартнома асосида фаолият юритмоқда.

## Қасаначилик

Ўтган йили шу тариқа 200 киши иш билан таъминланган бўлса, бу йил 5 та қўша корхона қасаначилар учун иш ўринлари ташкил этапти.

— Корхонамизда 22 нафар хотин-қиз қасаначилик асосида ишлайди, — дейди «Ёдгорлик» МЧЖ директори Аъзамжон Абдуллаев. — Бу йил ҳам шу йўналишда қўшимча иш ўринлари яратиб, ишлаб чиқарилаётган моллар турини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

**Мухаммадҷон МАҲМУДОВ,** жамоатчи мухбир

Ўтувчи сел олиб кетган кўприкни тезроқ ишга туширишга бош-қош бўлишимни сўраб келишибди. Бугунги кунда кўприк қурилиши Тошкент «Метрополитен» ҳисобида бўлиб, лойиҳа қиймати 419 млн. сўм миқдоридеда баҳоланган. 90 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уйдаланганишга қарамастан, баъзи жиҳатларига аралашув лозимга ўхшабди.

Халқимизда ойга интил, юлдузларни қучасан, деган аjoyиб ибора юради. Муаммо қанча кўп бўлмасин, дилда иштиёқ тафти ёнар экан, улар ютуқлар олдидеда бирин-кетин тиз чўкаверради. Муассасамизнинг каттагина боғида экилган дов-дархатлар ҳосилга кирган. Шу даргоҳга ният қилган қадам қўйган 1325 нафар ўқувчи ёшлар ҳам бир кун келиб серхосиш дарахтлар каби баркамоллик йўлида ватан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишга ишонамиз. Зеро, ҳеч қимдан кам бўлмаган миллатимиз тақдирини ана шу авлод қўлидадир.

**Сувбатдош:** Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири



# Ўрганиб ўргатиш — давр талаби

**Бугун юртимизда ёшларга берилётган эътибор, уларнинг ўқиб-ўрганишлари учун яратилган шароит кишини қувонтиради.**

Ёш авлод тафаккурини ўстириш, уларни аждодларимизга муносиб ворис этиб тарбиялаш муаллимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўтказилган «Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида замонавий мазмун ва методларни такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси қизиқарли ва ўқувчилар учун фойдали анжуман бўлди. Унда халқ таълими тизимидаги бошқарув ва методик хизмат ходимлари, аспирантлар ва бошқа мутасаддилар иштирок этди. Конференция 5 та шўбага бўлинган ҳолда олиб борилди.

ри техник воситалар ташкил этар экан, хар бирининг ўз вазифаси мавжуд, — деди ХТХҚТМОИ мақолада мудири Нилуфар Йўлдошева маърузасида. — Замонавий таълимнинг энг муҳим унсурлари қадимдан шаклланиб, таълим мақсадини, мазмунини тахлил қилиш учун қўлланадиган категориялар сифатида келтирилади.

Адабиёт дарсларида машғулот мазмунидан келиб чиқиб, таълим шакли, методлари ва воситалари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Иштирокчилар малака ошириш тизимининг илмий-амалий асослари билан боғлиқ масалаларни чуқур тахлил қилиш, шунингдек, мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқларни ўзаро тажриба алмашиш орқали янада кенгайтириш сингари долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратишди.

— Хар бир соҳада бўлгани каби таълим тизими ҳам тинимсиз изланиш, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлишни талаб этади, — дейди Бухоро шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби директори М.Сатторова. — Биз, ома тили ва адабиёт фани мутахассислари конференцияда қатнашиб, кўп нарса ўргандик. Бу ердаги қўлланмалар, курғазмалар, дарс ўтишининг замонавий талабларидан хулоса чиқардик. Ўрганганларимиз таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



## Ғамхўрлик

**Меҳнат аҳли онгига миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини сингдириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш Ўзбекистон ёкили-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент вилояти бўйича вакиллиги фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланган.**



## СаВоДга йўзрилган кунлар

Вилоят вакиллиги, тармоқ қасаба уюшма ташкилотлари ва уларда тузилган Ёшлар билан ишлаш комиссияси жамиятимизнинг барча жабаҳларида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан буён «Янги Ангрэн» ИЭС, Тошкент ИЭС, «Ўзбеккўмир», «Аммафос-Максам», «Ўзбекгеофизика», «Максам-Чирчик», «Ўзбекиммёсаноатлойдих» ОАЖларда Президентимизнинг «Оқсак маънавият-енгилмас куч» ва «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номида китобларини ўрганиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни кенг тарғиб этиш бўйича етук олим ва мутахассислар иштирокида давра суҳбат ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

кент электр тармоқлари» ШК хотин-қизлари ўртасида «Муқаддасан аёл», «Онаси ардоқли — боласи суякли юрт» мавзуларида тадбирлар ҳамда кўрик-танловлар юртак савияда ташкиллаштирилди. Вилоят вакиллиги ва Ёшлар комиссияси ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишлаб тизимдаги 2 та касб-хунар коллеж ўқувчилари орасида адабиёт, мусиқа ва рақс санъати соҳасида 7 та йўналиш бўйича «Баркамол авлод — келажакимиз бунёдкорлари» фестивали ўтказилди. Унда голибликни қўлга киритган Қиброй энергетика касб-хунар коллежи жамоаси диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, финал босқичига йўланма олди.

ислари ўртасида диний экстремизм, фундаментализм, миссионерлик, ақидапарастлик ва уларга қарши курашиш йўл-йўриқлари юзасидан ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда фалсафа фанлари доктори А.Очилдиев, юридик фанлари номзооди Х.Тўйчиева, тарих фанлари номзооди Ж.Нажмиддиновлар «Глобаллашув ва мавқулавий таҳдидлар», «Хуқук маданияти», «Миссионерлик ва диний экстремизм» каби долзарб мавзуларда маъруза қилди.

Узаро тажриба алмашув руҳида ўтган тадбирда иштирокчилар уларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Бой тарихий меросимизни ўрганиш ва қадимий шахарлар билан яқиндан таништириш мақсадида ёшлардан қариб 2000 нафари яқинда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлиб қайтди. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма ва «Илхом» театларига боришди, «Истиқлол» ҳамда «Туркистон» саройларидан концерт дастурларидан баҳраманд бўлишди.

**З. ҲУРИНБОВ,**  
Тошкент вилояти бўйича вакил ўринбосари

## Меҳнат муҳофазасига бағишланди



«Бухоро — Навоий» халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасида меҳнат муҳофазаси ойлигига бағишланган семинар ўтказилди.

У Ўзбекистон автомобили, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги томонидан ташкил этилди. Тадбир тармоқ қасаба уюшма кўмиталари раислари, меҳнатни муҳофазасига қилиш ва техника хавфсизлигига масъул кишилар, Бухоро автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи талабалари иштирок этди.

Марказий кенгашининг вилоят вакили Шаҳодат Ихтиёрова ушбу тадбирнинг мақсад-моҳиятини тушунтирар экан, устоз-шогирд аъёнларини давом эттириш ва йўлчилар сулоласи сафини кенгайтириш лозимлигига алоҳида уриғ берди. Вилоят бош давлат меҳнат техник инспектори Бурҳон Фалъовнинг айтишича, ўтган йил меҳнат жамоаларида 22 та бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорағида 8 та шундай ҳолат содир этилган ва унинг тўрттаси ўлим билан тугаган. Мутахассисларнинг хулосасига қўра, бундай нохуш ҳолатлар асосан иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига етарли даражада риоя қилинмаганига оқибатидир.

## Тадбир

Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофазасига қилиш бўлими бош-лиги М.Саидова, «Бухороавтоуыл» худудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси директори ўринбосари Фарҳод Қаюмов, Бухоро йўлчилар малакасини ошириш илмий-тадқиқот ишлаб чиқариш ўқув маркази давлат корхонаси бўлим бошлиғи Аълам Ибрагимов ва бошқалар ҳам кўп тартибдаги масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Талабалар мавзуга доир реферат, макет ва стендларини намойиш этишди. Тадбир якунида фаол талабаларнинг бир гуруҳига тармоқ қасаба уюшмаси вилоят вакилликнинг фахрий ёрлик ва пул мукофотлари топширилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

# Ғамхўрлик пиллапоёлари

**Бугунги кунда комбинатимизда 2500 дан зиёд ёш йигит-қиз турли йўналишларда меҳнат қилмоқда. Уларнинг жамоада ўз ўрни бор. Кўрсатилган ғамхўрлик ҳам шунга яраша. Мавжуд жамоа шартномаси бандларига мувофиқ, уйланаётган ёки турмушга чиқаётган ёшларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари, биринчи фарзанд кўрган ёш оилаларга 10 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Республикасида олий ўқув юртыда таълим олаётган 81 нафар, Москва пўлат қуйиш институтида тахсил олаётган 74 нафар йигит-қизнинг шартнома пуллари тўланмоқда.**

Юрт келажиги ҳисобланган баркамол авлоднинг ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш мақсадида мамлакатимизнинг барча қишлоқ, шаҳарларида бўлгани каби Бекободда ҳам «Ўзметкомбинат» хомийлигида янги спорт иншоотлари бунёд этилапти.

Кези келганда, Наврўз байрами арафасида «Ёшлик» спорт соғломлаштириш жамъаси куриб фойдаланишга топширилганлигини таъкидлашни истардим. Унинг қурилишида «Ўзметкомбинат» жамоасининг фаол ёшлари ҳам ўз хиссасини қўшди. Маъмулда учта ёпиқ катта зал бўлиб, улардан бири 500 нафар кишига мўлжалланган. Бадий гимнастика, волейбол, баскетбол ва бокс турлари билан шугулланувчилар учун иккита ринг ҳамда бошқа кулайликлар яратилган.

Шунингдек, унда 8 та ечиниш ва ювиниш хонаси, сауна бор. Шу кунларда Ҳафиз Фаниев номида болалар истироҳат боғида қайта таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Боғ ёнида ёғи сузиш ҳавзаси ҳамда қишқ сув спорт саройи тикланмоқда. У ватерпол, синхрон машқ ва сузиш воситалари учун мўлжалланган ва энг сўнгги замон талабларига мос техника ютуқлари ҳамда ускуналар билан тўла жиҳозланган. Хозирда машқлар зали, бунфет, тиббиёт хоналарида пардозлаш ишлари бажарилляпти.

Шахримизнинг янада обод ва гўзал бўлишида комбинатимиз тасарруфидида қатор цехлар, жумладан, қурилиш монтаж трести ишчилари Зокиржон Бобоев, гишт терувчилар Шокир Ғайбуллаев, Қайом Эгамқулов, электрогазпайвандчилар Абдужаббор Жумаевларнинг хизмати катта бўляпти.

«Электрда пўлат эритиш», «1-2-навли прокат цехи», «Мартен» ва шу каби бошқа цехларда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улар саломатлигини мустаҳкамлаш учун қасаба уюшмаси томонидан ҳар йилгига қараганда кўпроқ санаторийларга йўланмалар берилляпти. Ёш оилалар учун шахримизнинг 13-дахасида иккита 32 хонали уй фойдаланишга топширилди.

**Беҳзод ҚОДИРОВ,**  
«Ўзметкомбинат» АИБ «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси

**И**нсон ўз борлигига нисбатан онгли мавжудот экан, ўзгаришлар ва янгиликлар содир бўлиши муқаррар. Бусиз ҳаётнинг давомийлигини тушуниш қийин. Назаримизда шу ўзгариш ва янгиликлар мазмунини, аниқроғи, йўналишига қўра инсон хулосалар учун муайян белгилар қолдириб боради. Масалан, мода. Кийим нима?

Одам ижтимоийлиги дастлаб кийимда акс этади. Унинг «қабул қилиниши» ёки «инкор этилиши» кийимнинг тартибидан бошланади. Кийим бирор одамга нисбатан унинг атрофида шаклланадиган муносабатларнинг характерини белгиловчи восита ҳамдир. Зеро ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий қадриятлар бевосита кийимларимизда ҳам ўз аксини топиб боради. Бошқача айтганда, кийимдаги ўзгаришларнинг муқаррарлиги шунчаки ёки ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Инсоннинг ўзгариши унинг кийиминидаги ўзгаришлардан аввалроқ юз беради. Ташқи кўринишдаги тартиб ва услуб айни пайтда муайян инсоний образларнинг ташқи ифодасини оидинлаштириб боради. Ҳамма нисбатан номуносиб, яъни айтайлик, болалар кийимини кийишга рози бўлмаган ўсмир катталар кийимини кийиши билан атрофдагиларга «мени ундай эмас, бундай қабул қилинг» деган бўлади. Шундай қилиб, кийимнаётган одам учун кийимнинг қандайлигига қараганда, атрофдагиларнинг унга муносабати бирламчироқдир. Ҳамма дунёқараш, яшаш тарзимизи, ниманики содир бўлаётган бўлса, барча-барчаси моддадир аслида... Ичмам либосларнинг ўзига хос улкан фабрикасини яратган Кока Шанел кейинчалик чиндан ҳам бутун дунёга татийдиган мерос қолдириб кетди. Либосларнинг аёл танасига нисбатан тобора ичмамлашиб, кичрайиб бориши оммавий рағбатга сабаб бўлганлиги бу ерда унчалик муҳим эмас. Муҳими, уша вақтда фаол дунё бўйлаб даярли бир хил бичимдаги либосларнинг кийилганлиги эди. Битта қўйлакнинг модага айланиши яна худди шундай миллионлаб қўйлақлар ишлаб чиқариш зарур эканлигини билдиради. Шу тарика келиб чиқиши турлича маданиятлараро бир хил ташқи кўринишга келиш ҳодисаси ер юзидида бошқа минглаб жараёнларнинг ҳам жадаллашувига олиб келди. Аввал мода меъёри ҳақидаги тасаввур маданиятлараро ўзига хос бўлган бўлса, эндиликда бу тасаввур дунёнинг

мий маънода кийим модаси деб атаймиз. Аслида кийим ва мода тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлишига қарамай, алоҳида ҳам тушунилишга муҳтождир. Либос танани ёпиб турадиган буюм бўлиши мумкин, модадаги либос эса «ёпиб туриш»дан ташқари, бошқа вазиёларни ҳам бажаради. Кийимнинг тикилиш усули ёки бичими одамларнинг уни мода деб қабул қилишидадир. Чунки бошқа либос модага айланиши билан аввалги модадаги либос оддий кийимга айланиб қолади. Демак, мода тушунчаси либосларга нисбатан кўпроқ одамнинг ўзига боғлиқдир. Ҳамма асрнинг бошларида дунёда кеңайган сон-саноксиз воқелиқлар қаторида яна бир ҳодиса содир бўлдики, унинг таъсир қуввати орадан ўз йиллар ўтиб ҳам ўз кучи — мўъжизавий сирини бугунги кун одамларида сақлаб келмоқда.



## Сурат ва сийрат

# ОДАМ ВА

Габриелла (Кока) Шанел. Дунёнинг ҳамма аёллари учун янгича либослар бизнесида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мувафақиятларидан руҳланган бу аёл ўзини қўйрага жой тополмасди: «Мода дунёқараш, яшаш тарзимизи, ниманики содир бўлаётган бўлса, барча-барчаси моддадир аслида...» Ичмам либосларнинг ўзига хос улкан фабрикасини яратган Кока Шанел кейинчалик чиндан ҳам бутун дунёга татийдиган мерос қолдириб кетди. Либосларнинг аёл танасига нисбатан тобора ичмамлашиб, кичрайиб бориши оммавий рағбатга сабаб бўлганлиги бу ерда унчалик муҳим эмас. Муҳими, уша вақтда фаол дунё бўйлаб даярли бир хил бичимдаги либосларнинг кийилганлиги эди. Битта қўйлакнинг модага айланиши яна худди шундай миллионлаб қўйлақлар ишлаб чиқариш зарур эканлигини билдиради. Шу тарика келиб чиқиши турлича маданиятлараро бир хил ташқи кўринишга келиш ҳодисаси ер юзидида бошқа минглаб жараёнларнинг ҳам жадаллашувига олиб келди. Аввал мода меъёри ҳақидаги тасаввур маданиятлараро ўзига хос бўлган бўлса, эндиликда бу тасаввур дунёнинг

## Техника

жуда кўп нуқталарида бир хилликка мувофиқлаша бошлади. Кийим модасига оид битта ахборот минглаб-миллионлаб одамларнинг эҳтиёжи ёки муносабатини айналаштириб қўйди.

дунёга мослашган инсоннинг ўзи ҳам маълум даражада техникалашиб кетгандир. У атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни асосан техника орқали идрок этади. Айни вақтда атрофдагилар билан боғланиш учун ҳам техникадан фойдаланади. Шу каби чексиз жараёнлар орам одам техникани ўзига вирус каби юқтириб боради.

Бугунги одамни билиш нуқтаи назардан «техника нима?» деган савол «одам нима?» тарзидаги саволдан бирламчироқ ва жиддийроқ бўлиши мумкин. Албатта, қайд этиш жоизки, «техника нима?» саволи «автомашина гилдираклари нега айланади» саволидан кескин фарқ қилади.

Техника навбатдаги қазимша ишларида қутилмаганда топиб олинмади. Инсон бирон техникани яратишга иштиёқ сезар экан, дастлаб унда техникага ҳавас уйғонди. Шубҳа, қўруқ, эҳтимолларнинг қўлиги одамда ҳаётга нисбатан қандайдир аниқлик, муқаррарлик эҳтиёжини тудирди. Техника бўлишини исташи билан одам техник бўлишни истамадини аслида? Техниканинг тугал яратилиши маълум маънода одамнинг техникага айланиши билан ниҳоясига етиши мумкинми? Бу «айланиш» нисбий бўлиб, бевосита одамнинг онги билан боғлиқдир.

Одам борлигини техника борлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўл телефонида гаглашган қўйи машинага ўтираётган одамнинг ҳаётида бирдан техника йўқ бўлиб қолса, бундай йўқотиш дахшатини у кўтаролмаган бўларди. Чунки техник

Хозирда энг оммавий бўлган қўл телефони ер юзининг барча мамлакатидида бир хил қонунят асосида ишлагани каби у ҳақдаги тушунчалар ҳам ўзаро айланлигини исботлаш шарт эмас экан, демак, сайёрамизда мавжуд миллионлаб қўл те-

## Улар касабани уюшмаларида ишлаган

# Меҳр қолур, муҳаббат қолур...

Севимли санъаткоримиз раҳматли Нуриддин Ҳайдаров ижро этган бу кўшиқни ҳар гал тинглаганимда, инсон ҳаётда яхши ишлари, ширин сўзи, ибратли ҳаёти билан ўчмас из қолдиришини теран англайман.

Саидмахмуд Яхёев ҳам эзгу ишлари билан одамлар юрагидан жой олган бағрикенг, ажойиб дўст ва бахтли хонадон соҳиби эди. У кўлидан келганча одамларга яхшилик қилишга шошилиб яшайди. Чеч-расида ҳаммаша табассум балқиб турадиган касабани уюшмаси жонкуяри ҳар қандай асабий, мушкул ҳолатда ҳам руҳини туширмас, иродаси ва билими билан муаммоларнинг калитини топарди. Шарқона латифалари билан барчага кулгу улашиб, яхши кайфият, завқ-шавқ бағишларди. Ишда масъулиятли, ташкилотчи, самимий инсон сифатида ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонганди.

шаҳар касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг раиси даражасига қадрлик пиллапояни босиб ўтган Саидмахмуд Яхёев меҳнатни саодатнинг калити деб биларди.

Иш юзасидан у билан кўп мулоқотда бўлганман. Юксак ички маданият соҳибининг ибратли хислатлари эътиборга лойиқ эди. Ижро интизомига қатъий амал қиладиган, сўзи билан иши бир раҳбар билан илаш завқли эди.

Мақтанчоқлик, кибру ҳавони жуда ёмон кўрар, балиндарвоз оҳангда сўзлайдиган кишиларга аския санъати орқали сабоқ беради. Унинг табиатида ўзбек курашчилига хос ҳалоллик, мардлик ва кучли ирода муҳассас эди. Шу ўринда бир мисол: иш билан машғул

бўлиб, вақтида даволанмагани учун Саидмахмуд ака жиддий операцияни бошидан кечирди. Шифохонадан эндигина чиққанига қарамай Курилиш ва курилиш ашёлари санъати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича вакилликнинг аънавий «Саломатлик» спартакиада-си қандай ташкил этилганини ўз кўзи билан кўриш учун «Яккасарой» спорт мажмуасига етиб келганидан барчамиз ҳайратда қолган эдик. Спартакиада яхши ташкиллаштирилганидан кўнгли тўлғач, уйига қайтиб кетгани. Ишга виждонан ёндашиш оғир бетоблик ҳолатида ҳам уни тарқ этмаганига яна бир бор қойил қолгандик ўшанда.

— Нихонли севган одам, унинг мевасидан ҳам, албатта, баҳраманд бўлади, — деганди бир гал Саидмахмуд ака.

У болаларни беҳад сева ва эзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиладиган спартакиадада мазмунли ташкил қилишга аҳамият беради.

— Болалар — эртанимиз. Жисмоний тарбия ва спорт болани иродали, меҳнатсевар, интизомли бўлишга, вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиб, бекорчиликдан, турли салбий таъсирлардан асрайди, — дерди ҳаммаша.

Инсон умрининг мазмуни қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан ўлчанади. Саидмахмуд ака ҳам яхши ишлари, оқил фарзандлари, доно шогирдлари қамолда серҳосил, серфаёз боғ сифатида бир умр яшайди.

Улугбек ПҮЛАТОВ

## «Ҳамшира — 2010»

Садриддин Айний номидаги вилоят мусикали драма театрида Баркамол авлод йилига бағишланган «Ҳамшира-2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 15 нафар ҳамшира ўзаро беллашди.

# Маҳорат синовлари

Иштирокчилар дастлаб Республика Шошилич тез ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида амалиёт борасида ўз касб-маҳоратини синовдан ўтказишди. Беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги малакалари ҳайъат аъзолари томонидан бирма-бир баҳолаб берилди.

Тадбирнинг иккинчи кунда ҳамширалар, тиббиётга оид назарий билимларини намоиш этишди. Ижтимоий соҳага дахлдор саволлар орқали уларнинг жамият ҳаётидаги жараёнлардан нечоғли хабардорлигига ойдинлик киритилди. Пировадиди, энг кўп очко жамгарган Жондор туман тиббий бир-лашмаси ҳамшираси Шахрибону Ҳамроева ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди. Бухоро тумани вакили Азизабону Набиева иккинчи, Бухоро шаҳридаги 11-сон поликлиника ҳамшираси Мафтуна Ёдгоровна учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва иштирокчилар соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шавкат СУЛТОНОВ,  
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш  
ходимлари касабани уюшмаси  
раиси

# Сўраган ЭДИНГИЗ...

Пенсионерлар ўз хоҳиши билан пластик карточкага пенсиясини ўтказиб фойдаланиши мумкинми?

Замира ИСМОИЛОВА,  
Андижон шаҳри.



Банкда ҳисоб рақами очиб, маблағингизни тушириб турган бўлсангиз, ўша банк билан шартнома тузиб, ўзаро нақд-пулсиз ҳисоб-китобни йўлга қўйишингиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2002 йил 12 январдаги 1/4(60)-сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомдан бу каби бошқа қўллаб-саволларингизга жавоб оласиз.

Шахсий ёрдамчи ҳўжалигида қорамол етиштирган кишига меҳнат стажини ҳисобланадими?

Т.БОТИРОВ,  
Касби тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, уларни етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва «Фўқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалигида қорамол боқиш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга пенсиялар тайинлашда меҳнат стажини улар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг камида тўрт ярим баравари миқдорда тўланган тақдирда ҳисоблаб чиқилади.

лефонлари моҳиятига кўра битта нарса бўлиб чиқади. Бу аппарат ишлаб чиқарилгани ва ундан ҳам кўп фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги ахборот ўзидан тўлақонли одам бўлиш меъёрларининг яна биттага ортанини тасдиқловчи янги кодни ҳам тақдим этганди. Ана шу коднинг оммавийлашиш жараёни ўзига хос техника модасидир. Ўз вақтида автомобил шундай янги код бўлди ва бутун ишлаб чиқарувчиларнинг янги русумдаги маҳсулотларига қўйилаётган рақамлар мазкур вазифини бажариб келмоқда. Ажабланарлиси, бу жараёнларни ҳеч ким уюштирмайди.

Кўпчилик қайсидир янги кодга эғалик қилиши билан унинг аҳамияти йўқолади. Негаки бу вақтга келиб бошқа бир янги кодлашиш жараёни бошланиб кетган бўлади. Гап бу ўринда бирон ниманинг модалиги ҳақида бўлмай, балки

Сайёрамининг қайси бир нуқтасида «юлдуз»нинг ёзган янги қўшиғи ҳеч қанча вақт ўтмай миллионлаб мухлисларнинг мулкига айланади. Замонавий қўшиқчиликда шундай «юлдуз»лар борлигини билламазми, уларнинг мухлислари дунёнинг ҳар бир одам бор нуқтасида минглаб-миллионлабдир. Янги қўшиқ нима ҳақда? Унда нима дейилган? Бу каби саволлар унчалик муҳим эмас. «Юлдуз»ни навбатдаги қўшиғида нима қувонтирса ёки гапни қўлса, миллионлаб тингловчилар ҳам унга қўшилиб хурсанд бўлади, йиғилади. Бу ерда руҳиятдаги мувофиқлик биринчи масала. «Юлдуз»лар эса шаклан ўзгариб турадиган либослар модасидагидек янгилашиб бораверади.

Бирон «юлдуз» танилиб бўлганидан кейин унга боғлиқ янгилик-қўшиқлар осонликча оммалашади. Чунки бу вақтга келиб «юлдуз» номи маълум даражада

# МОДА

доим ниманингдир мода бўлиши зарур бўлиб қолганмиз.

Ўз ҳаётини режалаштираётган одам муҳитдаги мавжуд «тўлақонли одам» ҳақидаги ақидалар билан жиддий ҳисоблашишга мажбур. Чунки атрофдагилари эътироф этмас экан, демак, у ҳеч ким эмас. Бугун «замонавий одам» ақидаларининг тахминий образи даярли тайёрланган. Борлигини ташкил этаётган одам ана шу йўналишлардан бири бўйича ҳаётини боқиб кўришни содиқ этсагина атрофдагилар рағбатига сазовор бўлади ва унинг борлиги аниқ кўринишида бўлади. Бу инсоннинг ҳаёт мазмуни учун олдиндан тайёрлаб қўйилган қандайдир техник қолипни эслатади.

## Юлдузлар...

Техника ҳаётнинг чексиз соҳаларига кириб борар экан, унинг муқаррар қонуниятини инсон руҳиятига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Эндиликда бу руҳиятнинг улғайиши, кенгайишида техника воситачилиги «бажараётган» хизматни бошқа бирон нима адо этолмаслиги аниқ.


модага айланиб кетган бўлади. Хуллас, яна такрорлашга мажбур бўламиз: Гап бу ўринда бирон ниманинг модалиги ҳақида бўлмай, балки доим ниманингдир мода бўлиши зарур бўлиб қолганмиз.

Шундай «юлдуз»лардан бири саҳнада. Қаршисида биз аниқ ҳисобини билмайдиган мухлислар. «Юлдуз» ўша машҳур қўшиқини қўйлагани кўйи тебрана бошлади. Мухлислар унга жўр бўлиб, ҳаракатларда ва руҳиятда муайян ритм вужудга келди. Бу ерда одамлар минг-минглаб бўлиши мумкин, бироқ ҳаракатларнинг бир хиллиги каби қўшиқ ва руҳият ҳам биттадир.

«Юлдуз», айтилик, «бир, икки, уч» дейди, мухлислар «бир, икки, уч» деб жўр бўлади. Шундай қилиб, сайёрамининг миллионлаб одамларнинг маълум вақт ораллигидаги борлиги ана шу «бир, икки, уч» дағина иборат бўлади.

Шу таразда «юлдуз» ўзига хос руҳият модасида ҳаммага бир хил таъсир мазмунига эга бўлган янги код вазифини бажара бошлади.

Бу яхшими ёки ёмон? Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.  
Тўлқин ТҲАХОНОВ,  
журналист



1994 йили Қашқадарё соҳилида, дарахтзорлар орасида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда «Қашқадарё соҳили» иқлимий-балнеологик курорт ташкил этилди. Иқлими континентал, ёзи иссиқ, киши мўътадил. Бу ерда 1998-1999 йилларда ҳамма қўлайликларга эга 200 ўринли ошхона, 120 ўринга мўлжалланган маънавият ва маърифат маркази ишга туширилди. 2000-2001 йилларда 200 беморга мўлжалланган, барча тиббий жиҳозлар билан таъминланган ташхис ва даволаш маркази фойдаланишга топширилди. 2006 йилда эса


бой сув таянч-ҳаракат органлари, асаб тизими ва тери касалликларини даволашда ишлатилади. У машҳур «Трусковец»нинг Нафтусан типидagi сувларга ўхшаш; хусусан, биологик фаол рух, йод каби шифобахш микроэлементлар борлиги мия, қалқонсимон без, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларнинг оксидланиш-тиклиниш жараёнларига таъсир қилади. Яъни маъданли сув муолажаларини олганда мияда қон айланиши яхшиланади, қон босими меъёрига келади. Шунингдек, курортда парафин-

каватидида сув билан даволаш, ичкаларни ювиш, массааж, биринчи ёрдам ва дам олиш хоналари мавжуд. Иккинчи қаватда психотерапия, юқори ва паст частота ток билан даволаш хоналари бор. Холлнинг ўртасида маъданли сув истеъмол қилиш учун тўртта жўмрак, атрофида ҳар хил сунъий ва табиий гуллар бўлиб, фавворалар ишлаб турибди. Гинеколог, кардиолог, невропатолог, стоматолог ва андролог хоналари замонавий аппаратлар билан жиҳозланган. Жумладан, андролог хонасига эркеклар бепуштлиги, простата бези, сийдик йўли, жинсий касалликларни даволаш учун «Андро-

## Касабани уюшмалари шифо масканларида

# «Қашқадарё соҳили» — иқлимий-балнеологик курорт

уч қаватли ётоқхона реконструкция қилинди, парафин ва балчиқ билан даволаш бўлими таъмирланди. Санаторий йил бўйи фаолият юритиб, юрак-томир, овқат ҳазм қилиш, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими ва гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган. Бундан ташқари нафас олиш аъзолари, нефрологик, андрологик ва эндокринологик касалликлар билан келган беморлар ҳам шифо топмоқда.



Шифо маскани Қашқадарё соҳилида жойлашганининг ўзи табиий даволаш омилларидан биридир. Дарё сувининг 40 фоиз кислородга тўйингани, унинг ҳаводаги доимий ионизацияси ва ёз ойларида чўмилиш организмни чиқариш, асабларни тинчлантиришда катта аҳамият касб этади. Организмнинг кислородга тўйиниши, ортқча суюқликнинг нафас ва тери орқали ажралиб чиқиши, мода алмашинуви жараёнининг тезлашиши юрак-томир, буйрак ва сийдик чиқариш органлари касалликларига ижобий таъсир қилади. Бу ердаги табиий даволаш омилларидан яна бири 1200-1350 метр чуқурликдан, кум-тош қатламлари ораллигидан чиқадиган маъданли сувдир. Минералларга

озекерит, балчиқ, ёз ойларида кум ва тупроқ билан даволаш йўлга қўйилган. Балчиқ Жиззах вилоятининг Баликли қўлидан олиб келинади. 2009 йилгача бу ерда балчиқ билан даволашнинг аппликация усули қўллаб келинарди. Ҳозир эса унинг вагинал ва ректал балчиқли тампон қўйиш, галванобалчиқ усуллари йўлга қўйилган. Қабулхона маъмурий бинонинг биринчи қаватида жойлашган бўлиб, икки хонадан иборат. Биринчисиди янги келган дам олувчилар санаторий фаолияти, ишлаш тартиби, даволаш омиллари билан танишиш имкониятига эга. Бу ерда уч нафар шифокордан иборат консултатив комиссия тузилган. Улар қабул қилинадиган даволанувчиларни

Гин» аппарати ўрнатилган. Даволаш-бадантирбия муолажалари катта залда ташкил этилган. Маънавият ва маърифат марказида кутубхона, шахмат, шашка, стол тенниси, бильярд заллари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар акс эттирилган стендлар қўйилган. Сихатгоҳда барча миллий байрамлар кенг нишонланади. Ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, маҳалла оқсоқоллари билан учрашувлар ўтказилади. Кинофилмлар намоиш қилинади. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларига экскурсиялар уюштирилади. Ғулом ЮСУПОВ, «Ishonch» муҳбири



# Мозийни тирилтирган маскан

Ўзбекистон тарихи давлат музейида яқин орада бўлдингизми? Унда вақт топиб ташриф буюришни маслаҳат берамиз.

Музей экспозицияси бўлимлари жойлашган қаватга кўтариларканми, йигирма-ўттиз чоғли ўғил-қиз ўқитувчиси бошчилигида эшикдан кириб келишди. Улар билан бирга экспонатларни кузата туриб, ўқувчиларнинг турли қадимий топилмаларни катта қизиқиш билан томоша қилаётгани эътиборимизни тортди.

— Ана, тарих дарслигимизда расмини кўрганимиз қадимги одамларнинг иш қуроллари, — дерди улар бир-бирига.

— Тешиктош ғоридан топилган тўққиз ёшли неандертал боланинг макети ҳам бор экан...

Дарҳақиқат, экспозиция залига киришингиз билан «Ўзбекистон ҳудудида тош асри» (милoddан аввалги 1,5 минг йил — V минг йиллик) бўлимидаги Фарғона водийсида жойлашган Селенгур ёдгорлигидан топилган бир ярим миллион йил илгари яшаб ўтган одам сунги қолдиқлари, Бойсун туманидаги Тешиктош ғоридан топилган эллик-эллик беш минг йиллик тарихга эга неандертал боланинг скелети асосида тайёрланган макет-қийфаси, Омонқўтон, Кўлбулоқ, Селенгур ва бошқа

жойлардан топилган тошқуролларга кўзингиз тушади.

Ушбу қадимий топилмалар заминимиз инсониятнинг илк вақтларига макон бўлганидан ғувоҳлик беради.

Кўргазмалар қаторида Бойсун тоғларидаги қизил ранглар асосида ишланган, ов жараёни акс эттирилган суратлар кишини ҳайратга солади. Бу тасвирлар қадимги аҳдоқларимизнинг ижодий ҳаёли, қалб тебранишларини бизга етказди. Хунармандчиликнинг энг кўхна намунаси бўлмиш Қизилқум чўли этақларидан топилган, етти минг йиллик тарихга эга деб қараладиган кўза яна бир ноёб экспонатлардан.

Бундан ташқари, қадимий маданият маконларидан бўлган Сополлтепа шаҳар кўрғони харобалари макети, юртимизнинг турли ҳудудларидан топилган қадимий хунармандчилик буюмлари, тамгалар, муҳрлар, турлар, бронза, мис ва темирдан ясалган буюмлар, тошдан ясалган ва зумрад, ақик, феруза каби қимматбахо маданлардан зеб бериб ишланган икки бошли илон тасвири бор, айлана шаклидаги катта тумор (Фарғона водийси), хорижий давлатлар хазинала-

ридаги олтиндан ясалган 109 буюмни ўз ичига олган «Амударё хазинаси» жамланмасининг нухса-намуналари сингари буюм ва ашёлар юртимизнинг қадимий ва бой тарихи ҳақида кишида кенг тасаввур уйғотади.

— Музейимиз фондларида 250 мингдан ортиқ экспонат жамланган, — дейди музей директори Жаннат Исмоилова. — Шундан 60 мингтаси археологияга, 80 мингдан зиёди нумизматикага ва 16 мингтаси эса этнографияга доир. Шунингдек, 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи мамлакатимизнинг нуфузли илмий ва маданий-маърифий маркази ҳисобланади. У 1876 йилда иш бошлаган Тошкент музейи асосида ташкил этилган. 1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси тарихида фаолият кўрсатади. Истиқлол йилларида музей фаолиятининг янги даври бошланди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1992 йилнинг апрелида мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида қайта ташкил этилган бўлса, 1994 йил августда унга давлат музейи мақоми берилди.

## 18 май — Халқаро музейлар куни

Президентимизнинг 2003 йил 19 февралда музейга ташриф чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари ва йўл-йўриқлари асосида олиб бориладиган ишлар, музей экспозициясини такомиллаштиришнинг истиқболли режалари белгиланди. Янги экспозиция бугунги кунда халқимиз тарихи ва давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида яратилган бўлиб, энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган даврни акс эттиради. Шунга асосан Ўзбекистон ҳудудида кечган тарихий-маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ва бу ерда шакланган цивилизациянинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни ва аҳамияти очиб берилди. Хусусан, «Ўзбекистон ҳудудида тош асри» (милoddан аввалги 1,5 минг й. — 5 минг йиллик), «Ўзбекистон ҳудудида жез (бронза) даври» (мил. авв. 3-2 минг йиллик-

ларни амалдаги мавжуд йўриқномалар ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштиришда ҳамда тадқиқотлар олиб боришда.

Ўзбек халқининг қадимги даврлардан то шу кунгача бўлган тарихий тараққиёт йўлини, жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, кўлэмалар, моддий-маънавий ёдгорлик, топилмалар асосида доимий ва вақтинчалик ҳамда кўчма кўргазмалар ташкил этиш музей илмий экспозицион фаолияти йўналишларини ташкил этади. Жумладан, 2003-2008 йиллар мобайнида 30 га яқин кўргазмалар тайёрланди. «Ўзбек халқ хунармандчилиги», «Қоратепа — Ўрта Осиёдаги буддавийлар маркази», «Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги», «Қадимий ва навқирон Қарши», «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги», «Тошкент: кеча ва бугун» сингари кўргазмалар бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, хорижда ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тарихи, маданий мероси тарғиб қилинмоқда. Айниқса, АҚШ, Япония, Корея, Малайзия, Германия каби давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда музей экспонатлари алоҳида аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида музейда бир қанча каталоглар, йўлқўрсаткич, буклет ва монографиялар, жумладан, «Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар)», «Каталог металлчилик ва керамический изделий Узбекистана XVIII-XX вв.», «История новой части г.Ташкент XIX-XX вв.», «Фарғона водийсидаги миллий озоқлик ҳаракати», «Ўзбекистон дўппилари» нашр этилди.

Музей жамоатчилиги орасида кенг маданий-оқартув ишлари олиб бормоқда. Айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабаларни музейга жалб этишда яқши тажриба тўплаган. Музей экспозицияси орқали ўқув-тематик экскурсиялари, очик дарслар, маърузалар ташкил этиш йўлга қўйилган.

Экспозиция ва фонд материаллари асосида веб-сайтлар яратиш, кўргазмалар ташкил этиш, мавзули тадбирлар ўтказиш йўли билан Ўзбек давлатчилиги тарихи, халқимизнинг маданий ёдгорликлари ва асрлар давомида олиб борган яратувчилик ишларини тарғиб этиш бўйича мунтазам иш олиб борилаёпти.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири

**Ёш хунарманд ва талбиркор Феруза Мирсаидованинг нақшларида фикрлаш жараёнининг қандайдир ёқимли хайратлари, тизгинсиз ҳиссийларнинг муқаддаси ва интихоси, юракдан отилиб чиқайтган меҳрининг тафти, болаларча соддаликнинг яширин овози, рангларнинг бир-бирига уйғунликдаги бетакрор жозибаси ҳамда нигоҳлар хикмати мужассам.**

## Чўққини кўзлаган қиз

— Ҳар бир кийимга қўл уришдан олдин, энг аввало, буни удралай олишимизга ўзини ишонтираман, — дейди у. — Бу менга илҳом ва шижоат бахш этади. Бизнинг «Темир-йўлчи» маҳалламизда иқтидорли ёшлар талайгина. Ҳозирда қирқдан ортиқ шоғирдим бор. Уларга турли

хил миллий кийимларимизга мос дўппилар, нақшли келинлар либослари ҳамда элита пардалар тикиши ўргатаман. Баъзан туни билан ишлашга тўғри келади. Аммо тикилётган кийимлар битгач, бор чарчоқ унутилади.

Баъзан шундай буюртмачилар ке-

## Бугунги ёшлар

ладики, ўзи билан олиб келган оддий матодан хали хеч ким киймаган либос тикиб беришимни сўрашади. Шунда янгича дизайнлар ўйлаб топилмига тўғри келади. Сўнг уларнинг қувончини кўриб, бошим кўкка етади.

Бу Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» қўриқ-танловининг Қарши шаҳар босқичи ғолиби Феруза Мирсаидованинг сўзлари. У келажакда изланишини давом эттириб, ўз либосларини халқаро кўргазмаларда намойиш этиш ниятида.

Асорр АЛЛАЁРОВ

## Оммавийлик

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси Наманган бўлими томонидан вилоят ҳамширалари ўртасида волейбол ва стол тенниси бўйича «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.**

## Ҳамширалар баҳси



Мусобақада 160 дан зиёд ҳамшира қатнашди. Волейбол бўйича баҳсларда Чуст туман тиббиёт бирлашмаси биринчи, Наманган туман тиббиёт бирлашмаси иккинчи ва Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Стол теннисида эса Учқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси азоси А.Тўраева биринчи, Республика шойлиқ тиббиёт ёрдам илмий маркази Наманган филиали ходими Г.Халилова иккинчи ва Поп туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси З.Парпиева учинчи ўринни банд этди. Ғолиблар диплом ва қимматбахо совғалар билан мукофотланди.

Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси

## Тандирдан узилган нон

Нафақа пулини санаган Хусан бобо ўғли ва келинини ёнига чақириб, деди: — Мана, сизларга ўттиз минг сўм, бозорга бориб сомса учун масаллик олиб келинлар.

— Шунча сомсани нима қиласиз, бова, — деди келини хайрон бўлиб.

— Аввал айтганимни қилинлар, қолганини кейин биласизлар.

Тонг отмасдан эр-хотин икки тандир сомсани ёпиб, тоғорага жойлади. Хусан бобо келини ва тўнғич набираси билан бирга қишлоқ гузаридан бўладиган бозорга йўл олди.

Бозор дегани гавжум бўлади-да. Хусан бобо ўтириб олиб, харидорларга сомсани уч юз сўмдан сота бошлади. Хаш-паш дегунча икки тоғора сомса сотилиб кетди. Уйга қайтгач, бобо чўнтагидаги пулни санади. Йигирма минг сўм соф фойда, «мана пул қаерда» дея, ўғли ва келинига биринчи фойдани узатди.

Эр-хотин бобонинг фикрини дарров ўқийди. Бугун Феруза сомсанини бозордагилар яқши танишди. Махсулотни харидорлар.

Ҳаммасидан ҳам саксон олти ёшли Хусан муаллимнинг кенжа ўғли рўзгоридан кўнгли тинч, хотиржамлигини айтмайсизми! Энди ўғли ва келини, набираларининг бекор вақти йўқ. «Қари билгани — пари билмас», деб шуни айтсалар керак-да.

Урлобмай ҚОБИЛ

## Фахрийларимиз эъзозда

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида вилоят таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши томонидан афгон тупроғида шахид кетган байналмилалчи жангчилар хотирасини ёд этиш, таълим муассасаларида хизмат қилган байналмилалчи жангчиларнинг қадрига ва кўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида спартакиада ўтказилди. Унда 153 нафар ходим минн футбол, стол тенниси, аркон тортиш, шахмат, шашка, армрестлинг бўйича беллашди.



Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 29.04.2009 йилдаги №1-1132/09-сон ижро ҳужжатига асосан Гулякериёва Насиба Абдуғафуровнага тегишли умумий ер участкасининг майдони 761 кв.м.да жойлашган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 1-тор Замахарий кўчасида жойлашган 12-уй (ҳовли) аукцион савдосига қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 75 000 000 сўм.**
2. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 08.10.2009 йилдаги №1-879-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар ИИБнинг далилий ашёларни сақлаш майдончасида сақланаётган 2005 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 30 О 8881 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 7 024 879 сўм.**
3. Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 30.11.2009 йилдаги № 6-1004-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар Сирғали тумани Масон кўчаси 2-сонли автоулоқ сақлаш майдончасида сақланаётган 1994 йилда ишлаб чиқарилган дав.-бел. 01 W 046 АА бўлган «Газ 3102» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 2 021 816 сўм.**
4. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан 09.02.2010 йилдаги № 11-0919/20125-сон ижро варақасига асосан «Ақмал» хусусий фирмасига тегишли бўлган умумий майдони 1838,99 кв.м. дан иборат бўлган Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Алимкент кўрғони, Мустақиллик кўчаси 125-уйда жойлашган кўчмас мулк бино ва иншоотлари қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 253 750 000 сўм.**
5. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 02.03.2010 йилдаги № 9245/22-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Гавҳар кўчаси 10-сонли жамоа майдончасида сақланаётган 1994 йилда ишлаб чиқарилган дав.-белгисиз бўлган «ДЭУ РЕЙСЕР» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 7 077 887 сўм.**
6. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан 19.03.2010 йилдаги № 1031/3424-сон ижро варақасига асосан «Раҳмонбек Умар» фермер ҳўжалигига тегишли бўлган Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Алимкент кўрғони, Мустақиллик кўчаси 125-уйда жойлашган ун тегирмони ва асбоб ускуналари қўйилмоқда.  
**Бошланғич нархи — 250 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2010 йилнинг 22 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.**

**Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 22 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 8 июл куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.**

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк Бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижроҳлари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 № 000003**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касабаси уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Холбўта Досовага ораси **Нурбино АБДИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистон Марбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Рўзмет Сафаровга ораси **БИБИХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

**Insonga naf keltirish**  
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMASI ASSOCIATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN  
**oliy baxt**

**Muassis:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**  
**Abdusoliq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**  
**Alla DOLJENKOVA,**  
**Anvar YUNUSOV,**  
**Dovud MADIYEV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
**Jahongir SHAROFBOYEV**  
(Mas'ul kotib),  
**Ma'mura ADILOVA,**  
**Mirzohid SODIQOV,**  
**Normamat AIYOROV,**  
**Nosirxon AKBAROV,**  
**Oysuluv NAFASOVA,**  
**Pirimqul QODIROV,**  
**Sog'indiq NIYETULLAYEV,**  
**Shamsi ESONBOYEV**

**Bo'limlar:**  
**Kasaba uyushmalari hayoti**  
256-87-63  
**Huquq va xalqaro hayot**  
256-03-90  
**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat**  
256-87-74  
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport**  
256-82-79  
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash**  
256-85-43  
**Reklama va e'lonlar**  
256-87-73

**Manzilimiz:**  
100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
**A. Toshev**  
Navbatchi:  
**N. Maxamov**  
Musahhih:  
**S. Shodiyeva**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terilil va sahifalandi.**  
Sahifalovchi:  
**H.Abdujalilov**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.  
Korxonani manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-nomli bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart.  
Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

**h Tjorat materiallari**  
Boshiga topshirish vaqti - 21.00.  
Topshirildi - 21.40

**Buyurtma G — 451**  
19089 nusxada bosildi  
ISSN 2010-5002  
1 3 4 5